
Фурқат туманида Республика ишчи гуруҳи томонидан ўқув-семинар ўтказилди

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва "Камалак" болалар ташкилоти фаолиятини умумий ўрта таълим муассасаларида намунали ташкил этиш бўйича Фурқат тумани 2-умумтаълим мактабида ўқув-семинар ташкил этилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси масъул ходими Отабек Бозоров, туман мактабгача ва мактаб таълими бўлими, Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими, Республика Маънавият ва маърифат маркази туман бўлини масъул раҳбарлари, тумандаги барча мактаб директорлари ўринбосарлари иштирок этдилар.

Ушбу семинарда умумтаълим мактабларида ўқувчи-ёшлар орасидан сардорлик қобилиятига эга ўқувчиларни саралаб олиш орқали уларда ўзини ўзи бошқариш, тенгдошларини ягона Ватан манфаатлари йўлидаги эзгу ғоялар атрофида бирлаштириш ҳамда бошқа зарур кўникмаларни шакллантиришга кўмаклашиш таъкидлаб ўтилди.

2023-11-14 17:38:23